БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН | № 247 (16.330). | 22 октябрь 1975 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 58 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, товар маҳсулотини реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан аввал бажардилар. Улар ўн ойлик топшириқдан ташқари 165 миллион сўмлик маҳсулот реализация этишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Франция Президенти Валери Жискар д'Эстэн КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневга ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийга телеграммалар йўллади.

Бу телеграммаларда СССРда бўлган чоғида ҳукумат аъзолари, ҳокиятнинг маҳаллий органлари ва рус халқи Жискар д'Эстэн хонимга ва шахсан Франция Президентига дўстона иззат-ҳурмат ва илтифот кўрсатганликлари учун миннатдорчилик изҳор этилди.

Франция Президенти Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тинчлик ҳамда кескинликни юмшатиш манфаатлари йўлида янада ривож топади, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

РАСМИЙ ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Дьердь Лазар Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 21 октябрда Москвага келди.

ВХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Д. Лазарни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэродромда ҳурматли меҳмонни Москва меҳнаткашларининг вакиллари табрикладилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди, ВХР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

А. Н. Косигин билан Д. Лазар ўртоқлар совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Сўнгра Д. Лазар А. Н. Косигин билан бирга автомашинага тушиб, мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигида резиденция томон йўл олдилар. Автомашиналар кортежи ўтган кўчалар ва майдонлар ҳар икки мамлакатнинг давлат байроқлари билан, совет ва венгер халқлари ўртасидаги бузилмас қардошлик дўстлиги ва ҳамкорлиги шарафига табрик транспарантлари билан безатилган эди.

(ТАСС).

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА БРИГАДАСИНИНГ ЮТУҒИ

Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлиқ бригада КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга пахта сотиш юзасидан зиммасига олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари, 19 октябрда бажарди. 85 гектар майдондан давлатга 510 тонна «оқ олтин» сотилди. Ҳар гектар ердан пландаги 33,2 центнер ўрнига 60,1 центнер «оқ олтин» териб олинди.

Етиштирилган ҳосилнинг 95 процента машиналарда териб олинди. Шахсан Турсуной Охунова «зангори кема» бункеридан 410 тонна пахта тўкди.

Бригада коллективи келгуси йил ҳосили учун кузги-кишки ишларни энг яхши агротехника муддатларида ўтказиш учун қолган ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олишни 7 ноябрга тугаллаш мажбуриятини олди.

ТЕРИМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1975 йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида пахта териш ва давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сирдарё областида** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Хайдуров**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қўчқоров**, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ибодуллаев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Шодиев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Хобта**, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Турсунов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдураимов**) қолдирилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 95,28 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 23,25 процент, машина теримини 23,57 процент кўпайтиришни таъминлади.

Кўчма Қизил байроқ **Қорақалпоғистон АССРга** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Камолов**, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **Ешимбетов**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Айтмуротов**, қишлоқ хўжалик министри ўртоқ **Туремуротов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Худойбергенов**, «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ **Примов**, Амударё суғориш системалари дельта бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жаманқараев**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жуманов**) берилди. ҚҚ АССР пахта тайёрлаш йиллик планини 97,15 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 17,99 процент, машина теримини 23,44 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Тошкент областидан олиб берилади.

Тошкент областининг пахтакорлари яхши ишлаганликлари қайд қилиб ўтилди. Улар ўн кунликда пахта тайёрлашни 17,92 процент кўпайтиришни таъминладилар.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент область **Чиноз районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мамедов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Бузуруков**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бойназаров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Сайямов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Шабанов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Йўлдошев**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш планини 100,25 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 25,64 процент, машина теримини 34,6 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Тошкент область Юқори Чирчиқ районидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областининг **Сирдарё районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хўжаев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мирқурбонов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Виноградов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Беков**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Йўлдошева**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 95,02 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 25,39 процент, машина теримини 26,82 процент кўпайтиришни таъминлади. Байроқ Сирдарё областининг Боёвут районидан олиб берилади.

(Давоми иккинчи бетда).

1975 — 5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	шу жумладан машинада: бир кунда	шу жумладан машинада: мавсум бошидан
Тошкент	1,69	102,19	1,27	102,25
Андижон	0,54	101,91	0,82	84,05
ҚҚАССР	2,10	97,15	2,55	81,57
Сирдарё	1,97	95,28	1,83	100,65
Фарғона	0,99	92,34	1,86	68,10
Сурхондарё	1,08	92,22	1,12	87,20
Наманган	1,10	91,14	1,30	79,01
Хоразм	1,15	86,70	1,30	50,45
Қашқадарё	0,84	85,60	0,69	55,05
Жиззах	1,21	81,90	0,39	72,61
Самарқанд	1,31	79,71	1,20	50,11
Бухоро	0,48	64,87	0,33	15,60
Республика бўйича:	1,13	89,11	1,23	70,98
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
НАМАНГАН	1,75	142,38		
Сурхондарё	1,46	83,18		
Бухоро	0,55	81,94		
Қашқадарё	1,13	68,68		
Республика бўйича:	1,36	81,37		

РАЙОНЛАР РАПОРТИ

✦ ШУМАНАЙ

Қорақалпоғистон АССР Шуманай районининг меҳнаткашлари 1975 йилги юксак мажбуриятларни ва умуман беш йилликни бажариш юзасидан социалистик мусобақага қўшилиб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини барвақт, 21 октябрда 100,2 процент, беш йиллик планни 107 процент бажардилар. Район хўжаликлари бу йил давлатга 27,6 минг тонна «оқ олтин» сотдилар.

Гагарин номли, «Правда» ва «Шуманай» совхозларининг пахтакорлари районда биринчи бўлиб план бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга пландан ташқари 7,4 минг тонна пахта сотишга, ялпи пахтани 35 минг тоннага етказишга, ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари йиғим-теримини қисқа муддатларда бажаришга, 1976 йил ҳосили учун кузги-кишки тадбирларни ва чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга қарор қилдилар.

✦ ҚУВА

Фарғона область Қува районининг меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик якунловчи йили юксак мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 21 октябрда 100,1 процент, беш йиллик планини 108,7 процент бажардилар.

Район хўжаликлари бу йил давлатга 47,2 минг тонна «оқ олтин» сотдилар.

Димитров номли, Оҳунбобоев номли колхозлар ва «Коммунизм» колхозининг пахтакорлари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги тўғрисида районда биринчи бўлиб рапорт бердилар.

Район қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етиштириладиган ялпи пахтани 60 минг тоннага етказишга, давлатга пландан ташқари, 12,7 минг тонна пахта сотишга, барча қишлоқ хўжалик экинлари йиғим-теримини қисқа муддатларда тугатишга, келгуси йил ҳосили учун кузги-кишки тадбирларни ва чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга қарор қилдилар.

✦ БЎКА

Тошкент область Бўка районининг меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик якунловчи йили юксак мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 21 октябрда бажардилар. Беш йиллик план 112,6 процент қилиб бажарилди.

Район хўжаликлари шу йил давлатга 51.538 тонна «оқ олтин» сотдилар. Шунданг 41 минг тоннаси ёки ҳосилнинг 80 процента машиналарда терилди. Машинада териш плани 109 процент бажарилди.

Октябрь 40 йиллиги номли, Ҳамза номли ва «Партия XX съезди» номли колхоз пахтакорлари пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб бажардилар.

Район қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи пахта етиштиришни 68 минг тоннагача етказишга, давлатга пландан ташқари 16,4 минг тонна пахта сотишга, ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари йиғим-теримини қисқа муддатларда тугатишга, келаси йил ҳосили учун кузги-кишки тадбирлар ва чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга қарор қилдилар.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИНИНГ 1975 ЙИЛ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИ ДАВЛАТ ПЛАНИНИ БАЖАРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР саноати ходимлари тўққизинчи беш йиллик якунловчи йили плани ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш ва КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани ёвж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан тўққиз ойлик планни ошириб бажардилар. Саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10.4 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги 6,1 процент кўпайди.

Саноат маҳсулоти ҳажми электроэнергетика соҳасида 1974 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан 13 процент, қора ва рангли металлургияда 9 процент, химия ва нефть химияси саноатида 15 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноатида 13 процент, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатида 8 процент, енгил саноатда 11 процент ва озиқ-овқат саноатида 9 процент кўпайди.

Айрим министрликлар бўйича маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқаришини ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари қуйидагича бўлди:

	Маҳсулотни реализация қилиш бўйича январь-сентябрь плани бажарилиши процентида	1975 йил январь-сентябрида 1974 йилнинг январь-сентябридагига нисбатан процент ҳисобида: Ишлаб чиқариш ҳажми	Меҳнат унумдорлиги
Ўзбекистон ССР бўйича жами	104,5	110,4	106,1
Умумиттифоқ министрликла-			

(Давоми иккинчи бетда).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

1975 йилда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Наманган областидаги **Учқўрғон районида.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳасанов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Эрназаров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жўраев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Краснов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Усмонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Зайниев**.

Фарғона областидаги **Қува районида.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Шербўтаев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мамадалиев**, район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Тошматов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Қодиралиев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Рўзиев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Маҳсудова**.

Қорақалпоғистон АССРдаги **Шуманай районида.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Шарипов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Нурлибоев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Сапарбоев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ўрдабоев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Нураев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Олпонизов**.

Тошкент областидаги **Бўка районида.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Исломов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Содиқов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Парамонов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдиев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Султонов**.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ТИЛИ

21 октябрда Тошкентда «Мамлакатдаги мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси» деган мавзуда Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади. Бу конференцияни СССР Фанлар академияси, СССР Маориф, олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, Ўзбекистон ССР Маориф, Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари уюштирди. Ана шу ваколатли илмий учрашувда қатнашиш учун иттифоқдош ва автоном республикалардаги олимлар, рус тили муаллимлари, халқ маорифи ходимлари, маориф, олий ва ўрта махсус таълим министрлари, партия ва совет ташкилотларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон областлари партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг маданият масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари келишди.

Илмий-амалий конференцияни СССР маориф министри М. А. Прокофьев очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов конференцияда «Рус тили — Совет Иттифоқидаги ҳамма миллатлар ва элатларнинг ўзаро муомала ва ҳамкорлик тили» деган мавзуда доклад қилди.

СССР маориф министри М. А Прокофьев миллий мактабда рус тилини ўқитишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида доклад қилди. СССР олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари Н. С. Егоровнинг доклади миллий мактаблар учун рус тили ўқитувчи кадрларини тайёрлашнинг аҳволи ва бу ишни янада яхшилаш тадбирларига бағишланди.

Конференция қатнашчилари СССР Фанлар академияси рус тили институти директорининг ўринбосари В. В. Ивановнинг «Миллий мактабда рус тилини ўрганиш ва уни ўқитишнинг актуал проблемалари» ва СССР педагогика фанлари академиясининг миллий мактабда рус тилини ўқитиш илмий-тадқиқот институтининг директори Н. М. Шанскийнинг «Миллий мактабда рус тилини ўқитиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг асосий проблемалари» деган мавзуда қилган докладларини тингладилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. Ў. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, Н. Маҳмудов, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири Н. С. Колесников, КПСС Марказий Комитетининг инструктори В. Т Петров қатнашмоқдалар.

Илмий-амалий конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

Суратда: «Мамлакатдаги мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси»га бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференция президиуми.

Ш. Иброҳимов фотоси, (ЎзТАГ).

ТЕРИМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Қўчма Қизил байроқ Сирдарё область **Оқолтин (қўриқ) районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Тетуев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Фозилов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Шукуров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Торибоев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Зулқайнаров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Кудриддинов**) қолдирилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 117.43 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 32,02 процент, машина теримини 32,48 процент қўлайтиришни таъминлади.

Қўчма Қизил байроқ Сурхондарё область **Термиз районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Чориев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Назарова**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Саъдуллаев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Мусаев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қорасоқолов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Маматқулов**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 86,61 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 19.23 процент, машина теримини 23,60 процент қўлайтиришни таъминлади. Байроқ Сурхондарё область Ҳовос районидаги «Фарҳод» совхозидан олиб берилади.

Қўчма Қизил байроқ Сирдарё область Оқолтин районидаги **«Андижон» қўриқ совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Бозоров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Сабенов**, ишчилар комитети раиси ўртоқ **Равшанов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ҳайдаров**) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 119,68 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 42.1 процент, машина теримини 47,83 процент қўлайтиришни таъминлади. Байроқ Сирдарё область Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхозидан олиб берилади.

Қўчма Қизил байроқ Сурхондарё область Термиз районидаги **«Талимарон» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Бозоров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Айдеров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Сабенов**, ишчилар комитети раиси ўртоқ **Равшанов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Эшбоев**) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 84.2 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 24.61 процент, машина теримини 49,85 процент қўлайтиришни таъминлади. Байроқ Сурхондарё область Гагарин районидаги «Советобод» совхозидан олиб берилади.

Қўчма Қизил байроқ Тошкент область Чиноз районидаги **Узбекистон ССР 30 йиллиги номли колхозга** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Аҳмедов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Давлатов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Жунусов**) берилди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 93,17 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 34.09 процент, машина теримини 47,18 процент қўлайтиришни таъминлади. Байроқ Сирдарё область Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади.

Қўчма Қизил байроқ Наманган область Янгиқўрғон районидаги **«Москва» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Бобохонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Давиров**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Азимов**) берилди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 155.17 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 29.25 процент қўлайтиришни таъминлади. Байроқ Сурхондарё область Термиз районидаги Қуйбишев номли колхозидан олиб берилади.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМИ

(Боши биринчи бетда).

	1975 йил январь—сентябрида ишлаб чиқарилган	1975 йил январь—сентябрда 1974 йилнинг январь—сентябрдагига нисбатан процент ҳисобида	
ри корхоналари бўйича:			
Газ саноати министрлиги	101	100	100,5
Нефть саноати министрлиги	103	100,9	108
Кўмир саноати министрлиги	103	114	112
Химия саноати министрлиги	98	115	112
Электротехника саноати министрлиги	101	110	107
Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	104	108	107
Станкосозлик ва инструментал саноати министрлиги	105	111	109
Автомобиль саноати министрлиги	103	108	107
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги	102	106	105
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги	101	109	105
Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар машинасозлиги министрлиги	102	112	104
Целлюлоза-қоғоз саноати министрлиги	104	110	110
СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Микробиология саноати бош бошқармаси	103	114	111
Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари корхоналари бўйича:			
СССР Қора металлургия саноати министрлиги	102	123	87
СССР Рангли металлургия саноати министрлиги	102	108	104
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги	102	108	100
Узбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	100,8	112	112
Узбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси	101	113	108
Узбекистон ССР Биноқорлик материаллари саноати министрлиги	103	114	109
Узбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	104	110	105
Узбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги	108	111	111
Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги	104	107	104
Узбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги	108	111	108
Узбекистон ССР Балиқчилик хўжалиги бошқармаси	110	99	99
Узбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	105	109	106
«Узплодоовощчаинпром» бирлашмаси	106	108	107

Қоракалпоғистон АССР, республикадаги барча областлар ва Тошкент шаҳрининг саноати маҳсулотни реализация қилиш тўғрисида ойлик планини ошириб бажарди ва саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қўлайтирди.

Умуман республикада саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

	1975 йил январь—сентябрида ишлаб чиқарилган	1975 йил январь—сентябрда 1974 йилнинг январь—сентябрдагига нисбатан процент ҳисобида
Электроэнергия (Энергетика ва электрлаштириш ҳамда блок станциялари министрлиги бўйича) — миллиард киловатт соат	24,9	114
Нефть — минг тонна	893,9	98
Газ — миллиард куб метр	27,6	99,2
Кўмир — минг тонна	3927	114
Пўлат — минг тонна	303,3	99,6
Қора металлар прокати — минг тонна	260,2	102
Минерал ўғит (шартли бирликларда) — минг тонна	4496,5	103
Қуч трансформаторлари — минг киловатт — ампер	3847	121
Бронекабель — минг километр	14,0	107
Компрессорлар — дона	4079	110
Арқоқ машиналар — дона	520	144
Трактор — минг дона	17,2	106
Трактор прицеплари — минг дона	26,5	102
Трактор культиваторлари — минг дона	16,9	98
Пахта териш машиналари физик бирликларда — дона	5772	105
Қўрақ чувиш машиналари — дона	1883	105
Осма электр кранлар (махсус кранлар бу ҳисобга кирмайди) — дона	689	112
Экскаваторлар — дона	1009	100,8
Цемент — минг тонна	2660	102
Йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар — буюмларнинг минг куб метри	2831,8	103
Иморат ғишти — миллион дона	1277,6	103
Асбоцемент шифер — шартли миллион тахта	219,1	107
Дераза ойна — минг квадрат метр	2324	115
Қоғоз — минг тонна	19,5	107
Мебель — миллион сўм	55,8	112
Рўзғор холодильниклари — минг дона	83,2	120
Газ плиталари — минг дона	212,1	107
Момиқ пахта — минг тонна	1145	111
Ипак — тонна	1049,1	102
Канап толаси — минг тонна	30,6	102
Ип-газлама — миллион квадрат метр	134,7	102
Шойи газлама — миллион квадрат метр	68,1	109
Пайпоқ — миллион жуфт	27,3	103
Ички трикотаж — миллион дона	22,3	111
Устки трикотаж — миллион дона	9,6	99
Чарм пойафзал — миллион жуфт	18,7	104
Гўшт (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	77,4	113
Қаймоғи олинмаган маҳсулот — сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	251,6	113
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	311,5	109
Консерва — миллион шартли банка	423,7	104
Маданий-маиший товарлар ва рўзғор буюмлари — миллион сўм	210,6	120

Ўтган йилнинг январь-сентябридагига нисбатан кўмир қазиб чиқариш ўсди, электроэнергия ишлаб чиқариш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, аҳоли истеъмол қиладиган моллар — ички трикотаж, пайпоқ, чарм пойафзал, гўшт, колбаса маҳсулотлари, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи, консерва ва бошқа буюмларни ишлаб чиқариш кўпайди.

1975 йилда янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилди.

Республикадаги кўпгина корхоналар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширмоқдалар, машинаускуналардан, хом ашё ва материаллардан фойдаланиш кўрсаткичларини яхшиламоқдалар, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш соҳасидаги ишларни давом эттирмоқдалар.

Шу билан бирга республикадаги айрим корхоналар маҳсулотни реализация қилиш, энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш планларини бажармадилар, товар маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқни бажармадилар; айрим ҳолларда белгиланган ассортимент бўйича сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланмади, ишлаб чиқариш қувватлари суст ўзлаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Юқори Чирчиқ	122,09	126,80
Қуйи Чирчиқ	118,74	124,33
Янгийўл	106,77	97,38
Оққўрғон	101,64	96,58
Чиноз	100,24	99,13
Бўка	100,22	98,87
Бекобод	97,47	95,47
Пискент	93,88	86,55
Ўрта Чирчиқ	92,91	99,51
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Бўз	117,23	83,34
Избоскан	112,87	96,65
Пахтаобод	107,62	93,06
Хўжаобод	107,38	74,36
Ленин	104,19	61,74
Комсомолобод	104,17	135,78
Балиқчи	101,30	98,19
Жалолқудуқ	98,19	83,56
Марҳамат	96,59	67,68
Қўрғонтепа	96,43	85,92
Москва	96,00	77,98
Андижон	93,57	54,17
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Тўрткўл	105,07	86,71
Шуманай	100,21	89,09
Бируний	99,19	73,77
Амударё	97,37	76,38
Хўжайли	96,81	78,85
Нукус	94,61	74,72
Кегайли	93,28	88,31
Ленинобод	92,58	94,19
Қўнғирот	92,19	79,24
Тахтакўпир	90,80	81,43
Чимбой	87,76	71,60
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Оқолтин	117,42	136,53
Ҳовос	116,08	120,37
Сирдарё	95,02	89,58
Ворошилов	91,08	89,07
Ильич	89,36	99,18
Гулистон	88,42	90,31
Боёвут	83,54	85,81
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Ленинград	104,28	97,13
Киров	101,45	79,68
Узбекистон	100,90	81,18
Қува	100,10	75,17
Охунбобоев	96,00	74,56
Фарғона	93,57	39,69
Фрунзе	89,79	84,73
Бувайда	89,46	62,61
Тошлоқ	84,02	57,90
Риштон	83,07	42,19
Қувасой шаҳри	80,66	38,32
Олтиариқ	80,55	62,25
Бағдод	79,77	40,78
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Сариосиё	104,16	100,42
Денов	99,69	96,90
Шўрчи	96,54	100,28
Ленин йўли	89,55	84,12
Гагарин	86,95	95,59
Термиз	84,32	75,84
Жарқўрғон	83,60	43,36
Шеробод	79,69	73,75
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Задарё	104,17	100,04
Учқўрғон	102,87	129,07
Норин	98,23	113,87
Тўрақўрғон	97,85	63,54
Поп	94,75	78,07
Уйчи	90,99	57,48
Наманган	90,27	98,01
Янгиқўрғон	86,94	58,90
Чуст	71,05	—
Косонсой	65,14	—
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хонка	92,90	57,66
Қўшкўпир	88,45	54,30
Боғот	88,12	54,89
Гурлан	88,10	54,23
Шовот	86,14	50,65
Ҳазорасп	85,47	50,24
Янгиариқ	84,31	42,64
Урганч	84,27	57,10
Хива	81,39	26,84
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шаҳрисабз	107,75	81,12
Карши	96,83	68,25
Яккабоғ	93,84	69,33
Нишон	92,11	77,49
Камаши	89,22	52,43
Китоб	84,92	46,48
Ульянов	80,22	63,06
Ғузор	77,00	26,64
Чироқчи	74,12	20,59
Косон	61,54	24,60
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Галлаорол	97,74	17,06
Дўстлик	87,38	83,93
Жиззах	81,72	50,83
Октябрь	80,91	72,39
Пахтакор	78,96	76,36
Мирзачўл	77,50	74,89
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Нарпай	90,83	67,98
Пахтачи	88,51	68,05
Ўқдарё	86,83	69,16
Иштихон	85,49	64,39
Каттақўрғон	85,12	54,87
Жомбой	81,46	58,70
Пастдарғом	74,31	34,93
Хатирчи	69,61	20,84
Пайариқ	67,30	32,59
Булунғур	62,11	32,36
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Олот	96,42	64,84
Қоракўл	91,14	59,75
Бухоро	72,92	7,01
Когон	72,30	19,45
Свердлов	70,01	5,74
Ромитан	66,71	4,73
Вобкент	56,17	11,25
Навоий	53,12	19,46
Ғиждувон	52,70	0,02
Қизилтепа	51,06	—
Шофиркон	48,60	1,46

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ, ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борыши тўғрисида 1975 йил 20 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида), учинчи устун — планнинг бажарилиш проценти.

Тошкент	32.7	14,4
Фарғона	11.0	8.2
Самарқанд	9.0	6,1
Наманган	7.0	4.8
Бухоро	6.7	3,5
Жиззах	5.1	3.4
Сирдарё	5.3	3.3
Андижон	5.9	3.2
Сурхондарё	2.0	1.3
Қашқадарё	0.2	0.1
Хоразм	2.0	—
ҚҚАССР	—	—
Республика бўйича:	86.9	5.0

«Мамлакатдаги мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси» мавзусида Тошкентда очилган конференция иштирокчилари.

Ш. Иброхимов фотоси. (ЎзТАГ).

РУС ТИЛИ—ИККИНЧИ ОНА ТИЛИМИЗ

ОЛИС ЙЎЛЛАР

— Шундай қилиб, яна кетяпман, дегин?

— Ҳа, дугонажон.

— Бир йилгача ўғил-қизларинг, эринг. уйинг.., Қандоқ кўнглинг бўляпти?

— Тўғри, кўнглим тинчимайди, соғинаман. Лекин сабр қилсанг, етарсан муродга деб, сабр киламан. Вақт эса учқур от. У ерда араб ёшлари мени қандай кутишаётганини билсанг эди.

Ялт этиб ўгирилиб қарадим. Автобусда орқамдаги ўриндиқда сухбатлашиб бораётган икки аёл «Қаттиқ гапириб юборди-ким-а?» дегандай кулимсираб туришарди.

Бироздан сўнг ҳалиги «...араб ёшлари мени кутишяпти» деган аёл тушишга ҳозирланди. Дугонаси билан хайрлашди. Мен ҳам манзилимга етмаган бўлсам-да, қалбимда у билан суҳбатлашиш иштиёқи туғилди, нима-из автобусдан тушдим.

— Опа, кечирасиз, — дедим унга етиб олиб, — сиз билан танишмоқчийдим.

Қирқ ёшлардаги бу дўндиқкина жувон таажжуб билан жилмайиб қўйди. Автобусда дугонасига айтган сўзларини эслади шекилли, оппоқ юзи қизаринқиради.

— Юринг, уйга... Журналист бўлсангиз, бафуржа суҳбатлашамиз...

Раъно Тошмуҳамедова, ҳа мен тасодифан учратган Раъно Тошкент политехника институтининг қурилиш факультети студентларига рус тилидан дарс берарқан. Раъногa ўхшаган юзлаб хотин-қизлар педагог. Шуларнинг бири Раъно. Лекин менга учинг меҳнатга фидойилиги, фикр доирасининг кенглиги, ҳар қандай ишга кескин журъат билан киришиа билиши ёқди.

... Шу йил баҳор кезлари эди. Тошкент кўчаларида ҳам баҳор кезмоқда. Ёқимли шабада дил торини чертади. Шундай кунларнинг бирида Раъно Тошмуҳамедовани Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига чақиришди.

— Миср Араб Республикасидаги Айн-Шамс университетига рус тили муаллимаси сўрашяпти. Борасизми? — дейишди.

— Бу ердаги студентларимчи?! — шошиб қолди Раъно.

— Бу ерда сиз учун ҳамкасбларингиздан бири ишлаб туради. Ҳа, бизнинг биргина политехника институтимизда икки минг ўқитувчи борлигини биласиз. У ёқда-чи, ўқитувчилар бармоқ билан саноқли. Биз уларга ёрдам беришимиз керак.

Раъно тез мулоҳаза юрита бошлади: нима қилиш керак? Уз юртингдан минглаб километр узоқда, тили, урф-одати, яшаш шароити бошқа бўлган юртда рус тили мутахассислари тайёрлаш осон бўлмас... Лекин осон ишнинг қизиғи ҳам йўқ. Дарвоқе, Хайрулла акам нима деркинлар? Биламан, улар мени тушунадилар. Йўқлигимни билдирмай, болаларга бош бўлиш қўлларидан келади. Ўзимчи, араб студентлари қалбига йўл топа оларманикинман?

— Майли, бораман! — деди Раъно.

Ўзбекистон бўйича уч киши — Тошкент Давлат университетидан Юна Азизхонова, Сергей Иванович Зинин ва Раъно Москвадан апрель тонгида Қоҳирага учиб кетдилар.

Доктор Раъно (у ерда фан кандидатларига «доктор» деб мурожаат этишади) Айн-Шамс университетининг чет тиллар факультети рус тили кафедрасида ишлай бошлади. Раъно ётсираб ўтирмади. Ишга дадил киришди. Араб ёшлари ҳам ўзбек қизини биринчи кунданоқ севиб қолдилар. Қаерда бўлмасин, инсон қалбини меҳр ва вафоқ билан, самимий муомила ва сидқидилдан қилинган меҳнат билан мафтун этиш мумкинлигини Раъно у ерда яна бир бор ҳис этди. Ҳафта ўтмай, у араб ёшлари билан иноқ бўлиб кетди. Катта аудиторияда эллик-олтмиш чоғлик ёшларни ўзига қаратиб, рус тилида лекция ўқиркан, фахр-ифтихор ҳиссидан тўлқиниб кетарди. Бу фахр-ифтихор ўз Ватанига, Советлар диёрига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуси эди. Бу ифтихор бутун дунё халқларини бир-бирига ака-опаден яқин қилаётган улуғ Ленин тилининг қудратини яна бир бор ҳис қилиш эди. Ҳа, Раъно туғилибдики, бахт билан йўғрилгади. Боғча, мактаб, институт, кейин аспирантура эшиклари унинг учун очиқ бўлди. Китобларга бой кутубхоналар — Раънонинг энг севимли жойи эди. Кейин у институтда рус тилидан дарс бера бошлади. Диссертация ёқлади. Турмуш қурди. Ўғил-қиз кўришди. Мажшлари яхши, рўзғорлари бут. Хўш, инсон ҳаёти учун бундан ортиқ не керак? Шундай, бизнинг Советлар диёрининг, партиямизнинг инсон турмушини яхшилашдан бўлак муддаоси йўқ. Шугина эмас, дўстларга ҳам ёрдам қўлини чўзиш — Советлар Иттифоқига хос хусусият.

... Дарс вақтида ҳам, танаффусда ҳам араб ёшлари доктор Раъногa савол беришгани-беришган: «Ўзбекистон хотин-қизлари ҳақида гапириб беринг. Дам олиш уйлари, санаторийлар деганингиз нимаси? Бепул медицина хизмати дейсиз, оналарга нафақа дейсиз. Тушунтириб беринг, доктор Раъно?

У қувонч ва ифтихор билан ҳаммасини гапириб берди. Узбекистоннинг машҳур олимлари, санъаткорлари, пахтакорлари, шонра ва давлат арбоблари ҳақида қиноя қилди. Уларнг шу пайтгача кўп ўқигани, ўргангани, ўз жонажон диёри ҳақида кўп билгани у ерда жуда асқотди. Айниқса, Айн-Шамс университетининг рус тили кафедраси мудири доктор Самайя Афифи билан бўлган суҳбатлари, бирга олиб борган ишлари унутилмас бўлиб қолди. Самайя Афифи Москва Давлат университетида ўқиган, шу ерда диссертация ёқлаб, филология фанлари кандидати унвони билан ўз Ватанига қайтган. Бу талантли ва ғайратли аёл Айн-Шамс университетида рус тили кафедраси ташкил этди. Дастлабки кадрларни ўзи тайёрлади. Доктор Афифи ўзбекистонлик ҳамкасбларининг самарали меҳнатидан қувонди. Уларни бир неча бор уйига таклиф қилди.

Раъно ҳам, Юна ва Сергей Иванович ҳам уч ойнинг ҳар бир дақиқасини мазмунли ўтказдилар. Араб ёшлари билан тинимсиз ишлаш, учрашувлар, университетнинг рус адабиётига бой кутубхонасини тартибга келтириш, музейлар ва ажойиб ёдгорликларни томоша қилиш, хуллас, буларнинг иш тутишига дўстлар қойил қолдилар. Яна келишларини илтимос қилдилар.

— Шундай қилиб, яна кетяпмиз, энди бир йилга, — деди кулимсираб Раъно — бирон жойда ўзингнинг жуда-жуда зарурлигингни сезиб турсанг, бошқа ҳамма ишлар иккинчи даражалига ўхшаб қолади. Бир йил ҳам ўтиб кетади. Ленин шу бир йил ичида рус тилини ўрганишга қолт иштиёқли араб ёшларига анчагина билим беришимиз мумкин.

Яқинда Раъно ҳамкасблари билан яна Қоҳирага жўнаб кетди. Араб студентлари уни самимий кутиб олиб: «Ассалому алайкум, доктор Раъно! Офарин, Тошкан қизи» — деб олқишладилар.

Раъно жўнаб кетди-ю, мен у ҳақда ўйлайман. У ҳақдагина эмас. бугунги кунда бизнинг ўнлаб мутахассисларимиз уйгонаётган ўлка кишиларига, дўстлар диёрига бориб, касб ўргатиб, билимларини ўртоқлашиб, корхоналар қуриб қайтаётганларини ўйлайман. Даврамизнинг, замонамиз кишиларининг эътиқоди шундай. Биз бутун дунё инсониятининг бахти, тинчлигини, тенглигини ҳимоя қилувчи, қурашувчи совет кишиларимиз.

Санъат МАҲМУДОВА.

КАТТА ҒАЛАБА

Украина ССР Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ҳосил ўримйиғимини уюшқоқлик билан ўтказдилар ва давлатга ғалла сотиш планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 14 миллион 5 минг тонна дон топширилди. 9,5 миллион тонна асосий озиқ-овқат экини—буғдой сотилди. Бу — пландагидан анча ортиқдир. Шоли қарид қилиш плани ошириб бажарилди. Давлатга мақкажўхори ва шоли сотиш давом этмоқда.

Республика колхоз ва совхозлари келгуси йил ҳосили учун кузги ва баҳорги экинлар уруғини жамғариб қўйдилар. Кечки экинларни йиғиштириб олиш, шудгор қилиш, кузги экинларни экиш ва фермаларни қиш фаслига тайёрлаш ишлари тугалланмоқда, хашак ва ширали озуқа тайёрлашни кўлайтириш учун барча имкониятлар сафарбар қилинмоқда, улардан рационал фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикадаги партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари бу йилни уюшқоқлик билан тугаллаш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини сотиш юзасидан белгиланган давлат планларини бажариш, 1976 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўлайтириш учун мустаҳкам негиз яратиш, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездини муносиб кутиб олиш йўлида бутун куч-ғайратларини сарф қилмоқдалар.

* * *

БЕЛОРУССИЯ ССР Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга дон сотиш юзасидан халқ хўжалиги плани ва социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажардилар.

Республика колхоз ва совхозлари тайёрлов пунктларига 1 миллион 500 минг тонна ёки халқ хўжалиги планида кўзда тутилганидан 500 минг тонна кўп дон етказиб бердилар. Бундай миқдордаги дон республикада биринчи марта тайёрланди.

МУСОБАҚАДОШ РАЙОНЛАР РАПОРТИ

ДЎСТЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Ўзбекистон ССР Фарғона областининг Ўзбекистон райони билан Тожикистон ССР Ленинобод областининг Хўжанд райони меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичи — 1975 йилда пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳар қачонгидан кўпайтириш, КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш шартини ўртага қўйиб ўзаро социалистик мусобақа боғлаган эдилар. Куни кеча ҳар икки райондан пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилгани ҳақида хушхабар олинди.

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари А. ПАЙҒАМОВ ҳикоя қилади.

— Районимиз пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, партия XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб катта ғалаба қучдилар. Давлатга пахта сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Тайёрлов пунктларига 42320 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу билан биринчи довондан ошилди.

Районимизнинг катта хирмонига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати А. Ниёзов директорлик қилаётган «Ганиобод» совхози пахтакорлари 11500 тоннаник «оқ олтин»и билан муносиб ҳисса қўшдилар. Бу совхоз коллективи ўчун чегара эмас. Улар ҳосилдорликни 16 минг тоннага етказиш ниятида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. План бажаришган бўлса-да, суръат сира сусайтирилаётгани йўқ. Хўжалик ҳамон йиллик планнинг икки процентидан ошириб пахта тайёрламоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Писолатхон Эргашева раислик қилаётган Ленин номли колхоз меҳнат аҳли ҳам биринчилардан бўлиб мўррага етиб келди. Улар ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга кўтариш, планга қўшимча 1160 тонна пахта армуғон этиш иштиёқида пешона тери тўкиб меҳнат қилмоқдалар.

Районимизнинг хирмонига «Қўқон», «Комсомол» совхозлари, Ғафур Ғулом номли, «Пахтақайнар» колхозлари деҳқонлари йиллик плакларини муддатидан илгари адо этиб, қут-барака кириб ганликларини мамнунлик билан таъкидлаймиз. Бошқа хўжаликларнинг меҳнаткашлари ҳам йил бўйи ҳалол меҳнат қилиб етиштирган дурдоналарини тезкорлик билан йиғиб-теріб давлатга топширмоқдалар. Бу йил районимизда пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятини бажармаган бирорта хўжалик бўлмаслиги учун курашмоқдамиз. Бундай ғалабага эришишда тожикистонлик мусобақадош дўстларимиз билан боғлаган социалистик мусобақа ҳал қилувчи роль ўйнаганини алоҳида қайд этамиз.

Якунловчи йилда механизаторларимиз қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Улар чигит экишдан тортиб, ҳосилни саранжом-саришталаб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини хилма-хил машиналар воситасида бажариб келмоқдалар. Пахта терими даврида уларнинг бунёдкорлик меҳнати айниқса яққол кўзга ташланди. Машиналарда 20 минг тонна дурдона терилди. Илғор механизаторларимизнинг ҳар бири шу кунгача 130-150 тоннадан пахта теріб берди. Уларнинг ҳаммаси зиммага олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Чевар теримчиларимизнинг меҳнатидан миннатдормиз. Мавсумда 5-7-10 минг килограмм пахта теріш мажбуриятини олган теримчиларимиз ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Бу йил кўпминг килограммчи теримчилар ўтган йилдагидан 25 процент кўпайди.

Маълумки, йил бошида кўпчилик пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш ташаббуси билан майдонга чиққан эдилар. Бугун улар ҳам ваъдасига вафо қилмоқдалар. И. Ҳошимов, Н. Шоҳобиддинов, Ғ. Назаров, А. Рўзибоев, Р. Олимов, А. Тошматовлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳозирдаёқ 40-45 центнерлик чўққига чиқдилар. Улар ҳосил чўғини ҳисоблаб чиқиб, олинган мажбурият 50 центнер ўрнига 55 центнер ва ундан ошириб пахта топширишга сўз бердилар.

Мусобақадош дўстларимиз билан шартлашганимиздек, бу йил пахтанинг юқори сорт бўлишига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шу кунгача тайёрлов ташкилотларига етказиб берилган «оқ олтин»нинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Бундан давлатимиз, хўжаликларимиз, қолаверса, пахтакор деҳқонларимиз ҳам катта иқтисодий фойда кўрадилар. Мавсум охиригача сортнинг пасайишига йўл қўймасликни бош вазифа қилиб қўйдик.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, тожик дўстларимиз билан имзолаган социалистик мусобақа шартномасига амал қилиб, бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни ҳам кўпайтирмоқдамиз. Шу кунгача она-Ватанга дон, барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, мева, узум сотиш беш йиллик планларини шараф билан бажардик. Ҳозир бу тармоқлар бўйича ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулотлар сотилмоқда. Қурилиш — ободончилик ишлари авж олдирилянти, чорва қишловига пухта тараддуд кўрилянти. Айни кезда экиндардан бўшаган ерлар шудгорланиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратилянти.

1975 йил — съездолди йили. Партиямизнинг улкан анжуманига муносиб тўёна тайёрлашни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Далаларимизда пахта йиғим-терими қизғин давом эттирилмоқда. Якунловчи йилда она Ватанга 52 минг тонна пахта етказиб беришга азму қарор қилдик. Шунда ҳосилдорлик 35 центнер бўлади. Бу съездга тайёрлаган туҳфамиз, тожик дўстларимиз билан имзолаган мусобақа шартномасининг бажарилишидан бир дебочадир.

ТАШАББУС ВА САМАРА

Хўжанд район партия комитетининг биринчи секретари И. УМАРОВ ҳикоя қилади

Районимиз меҳнаткашлари шу йилнинг бошларида ҳар гектар майдондан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳдлашиб, Ўзбекистон райони меҳнаткашлари билан социалистик мусобақа шартномасини имзолаган эдилар. Ўзбек ва тожик пахтакорлари ўртасидаги ана шу мусобақага якун ясаладиган фурсат тобора яқинлашмоқда. Шуни айтиш керакки, икки қон-қардош халқ ўртасидаги мусобақа абадул абад дўстлигимизни мустаҳкамлашнинг янада қудратли омилига айланди, мусобақа пахта, сут, дон, гўшт, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни ҳам кўпайтирмоқдамиз. Шу кунгача она-Ватанга дон, барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, мева, узум сотиш беш йиллик планларини шараф билан бажардик. Ҳозир бу тармоқлар бўйича ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулотлар сотилмоқда. Қурилиш — ободончилик ишлари авж олдирилянти, чорва қишловига пухта тараддуд кўрилянти. Айни кезда экиндардан бўшаган ерлар шудгорланиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратилянти.

Мусобақадош дўстларимиз билан шартлашганимиздек, бу йил пахтанинг юқори сорт бўлишига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шу кунгача тайёрлов ташкилотларига етказиб берилган «оқ олтин»нинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Бундан давлатимиз, хўжаликларимиз, қолаверса, пахтакор деҳқонларимиз ҳам катта иқтисодий фойда кўрадилар. Мавсум охиригача сортнинг пасайишига йўл қўймасликни бош вазифа қилиб қўйдик.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, тожик дўстларимиз билан имзолаган социалистик мусобақа шартномасига амал қилиб, бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни ҳам кўпайтирмоқдамиз. Шу кунгача она-Ватанга дон, барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, мева, узум сотиш беш йиллик планларини шараф билан бажардик. Ҳозир бу тармоқлар бўйича ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулотлар сотилмоқда. Қурилиш — ободончилик ишлари авж олдирилянти, чорва қишловига пухта тараддуд кўрилянти. Айни кезда экиндардан бўшаган ерлар шудгорланиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратилянти.

Якунловчи йилда, мусобақадош дўстларимиз билан маслаҳатлашиб олганимиздек, пахтачилик, хусусан теримни механизациялашга катта аҳамият бердик. Пахта терими бошланиши билан мавжуд машиналарнинг ҳаммасини ишга туширдик. Уларни унумли ишлатиш мақсадида барларни вактида тўктирдик, майдонларни яхши тайёрладик. «Зангори кема»ларни икки сменада ишлатиш учун ҳамма чораларни кўрдик. Натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Азамат механизаторларимиз шу кунгача 17 минг 300 тонна «оқ олтин» териб, тайёрлов пунктларига жўнатдилар.

Лекин бу чегара эмас. Биз машиналарда 22 минг тонна пахта теримиз деганмиз. Шу кунларда механик-қайдовчиларимиз эўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, ҳар бир машинада кунига 3-4 тоннадан пахта теріб бермоқдалар. Тўкилган пахтани терадиган агрегатларни ишга туширдик. Кўсак узадиган ва кўрак чувийдиган механизмларни ишга туширишга шайлаб қўйганмиз.

Районимизда механизаторларнинг янги отряди камол топди. Улар чигит экиш, ғўза парвариши, пахта теріш, терилган пахтани тайёрлов пунктларига етказиб бериш каби ишлар комплексини бажармоқдалар. «Роҳи Ленин» колхозидан Жўра Эгамбердиев, Фрунзе номли колхозидан Абдуллажон Пўлатов, Уринхўжаев номли колхозидан Муборак Каримов, Азизов номли колхозидан Усмон Носиров, Ленин номли колхозидан Ҳомиджон Тожибоев, Куйбишев номли колхозидан Оқилбой Бобоев каби механик-ҳайдовчиларимиз мавсум нормаларини анча ошириб адо этдилар, шу кунларда ҳам суръатни кучайтирмоқдалар.

Мусобақа шарофати билан кўпчилик хўжаликларимиз пахтадан айниқса юқори ҳосил етиштириб, катта хирмон кўтардилар. З. Сайфуддинов раислик қилаётган Куйбишев номли колхоз аъзолари ҳосилдорликни 40 центнерга кўтариб, 4000 тонна «оқ олтин»ни етиштиришга сўз берган эдилар. Улар шу кунгача 35 центнердан ҳосил олиб, 3500 тонна «оқ олтин»ни тайёрладилар ва йиллик планни районимизда биринчи бўлиб бажардилар, ҳозир 40 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Ленин номли колхоз 5 минг тоннадан ортиқ, «Октябрь 40 йиллиги» колхози 2200 тонна, «Роҳи Ленин» колхози 3120 тонна, «Коммунизм» колхози 2351 тонна пахта тайёрлаб, планларини муддатидан илгари шараф билан адо этдилар. Шу кунларда юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Мусобақадош дўстларимиз 50 центнерчилик ҳаракатини бошлаб бериб, бизни хурсанд қилган эдилар. Районимизда бу ватанпарварлик ташаббуси кенг кулоч ёзди, ўнлаб бригадалар ўзбек пахтакорлари йўлидан бордилар. Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, уларнинг сўзлари билан ишлари бир бўлмоқда. Ленин номли колхознинг Насриддин Жумаев бошлиқ бригадаси аъзолари 75 гектар майдонда ғўза ўстириб, шу кунгача гектаридан 51 центнердан ҳосил кўтарди. Эндиликда эса 60 центнерлик маррани кўзлаб иш кўрмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Абдулла Бобожонов бошлиқ бригадаси аъзолари 157 гектар майдондан шу кунгача 700 тонна дурдона теріб давлатга топширдилар, улар яна 200 тонна дурдона теріб бериш ҳақида оширилган мажбурият олдидлар. «Коммунизм» колхозининг Файзинисо Тўрабоева бошлиқ бригадаси 42 центнердан пахта топширди, теримни қизғин давом эттириб, 50 центнерлик чўққига чиқиш учун курашяпти.

Районимиздаги барча пахтакор хўжаликларда терим суръати кучайтирилянти, бу муҳим ишда район марказининг аҳолиси, ҳурматли қариялар, ҳатто кўп болали аёллар ҳам фаол иштирок этянти.

Шуни ҳам айтиш керакки, хўжаликлар давлатга барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича топшириқларини ҳам шараф билан адо этдилар.

Бор ҳосилни сира нобуд қилмасдан тезкорлик билан теріб оламиз, социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарамиз, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратамиз, чорва қишловини намунали ўтказамиз.

Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг Эшонқул Дониёров бошлиқ бригада пахтакорлари хўжаликда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекиб эдилар. Социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бригада коллективи ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш учун курашаётир. Суратда: (чапдан ўнгга) колхоз партия комитетининг секретари М. Йўлдошев ва бригада бошлиғи Э. Дониёров ёрдамчилар орасида.

А. Тўраев фотоси.

МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ БИЛАН

Учқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Абдуллажон Ҳасанов «Совет Ўзбекистони» мухбирига қуйидагиларни хабар қилди.

— Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, партия XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, йиллик пахта тайёрлаш планини ошириб бажарган эдилар. Хозир далаларимизда йиғим-терим тезкорлик билан олиб борилмоқда. Мақсадимиз пландан ташқари 10 минг тонна пахта тайёрлаб, ялпи ҳосилдорликни 60 минг тоннага етказишдир. Шу қисобдан ҳозирдаёқ йиллик планнинг қарийб беш проценти миқдорида қўшимча пахтани тайёрлов пунктларига жўнатдик.

Далаларимизда 324 та терим машинаси тинимсиз ишлатилмоқда. Ленин номли, «Учқўрғон» совхозларининг механик-ҳайдовчилари айниқса жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Теримчиларимиз терган, механик-ҳайдовчиларимиз бункерларден тўккан пахта пешма-пеш тайёрлов пунктларига жўнатилмоқда. Натижада сорт юқори бўлаётир.

Районимиз меҳнаткашлари съезд шарафига бошланган мусобақани кучайтириб, қўшимча мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажарадилар.

ДОН—ДАВЛАТГА

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг бериши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — мавсум бошидан буён топширилган дон; учинчи стун — бир кунда (топширишга нисбатан процент ҳисобида)

ТОШКЕНТ	116,8	1,7
АНДИЖОН	105,4	0,1
САМАРҚАНД	100,2	—
Фарғона	95,7	—
Сурхондарё	91,6	0,9
Хоразм	76,0	2,0
Қашқадарё	75,2	0,3
ҚҚ АССР	72,4	1,8
Наманган	67,0	—
Сирдарё	61,8	0,1
Жиззах	36,7	—
Бухоро	35,0	—
Республика бўйича:	77,0	0,8

БЕРЛИНДА ЖАҲОН КОНГРЕССИ

БЕРЛИН, 20 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Мовий мусаффо осмон гумбази фонида аёл киёфаси ва каптар сурати тасвирланган, «Тенглик, тараққиёт, тинчлик» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Бу — халқаро хотин-қизлар йилига бағишланиб ўтказилаётган шу кунлардаги Берлиннинг асосий воқеаси бўлган жаҳон конгрессининг эмблемаси ва шиоридир. Жаҳон жамоатчилигининг мана шу оммавий анжуманига 130 дан кўпроқ мамлакатдан ва ўзга яқин халқаро ва маҳаллий ташкилотлар номидан келган икки мингга яқин делегат қатнашмоқда.

ГДР пойтахтидаги энг катта Вернер Зеленбиндер-ҳалл залл байроқлар ва олти хил тилда ёзилган транспарантлар билан безатилган. Халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг таниқли арбоблари, конгрессининг фахрий меҳмонлари президиумдан жой олдилар.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккер конгресс иштирокчиларини табриклаб нутқ сўзлади.

Халқаро хотин-қизлар йилига бағишланган жаҳон конгресси, деди у, жаҳон аҳамиятига эга бўлган катта воқеадир. Бутун дунё хотин-қизлари қудратли сиёсий кучни ташкил қилади. Улар ўз кучларини бирлаштириб, улуғ мақсад — ер юзида тинчлик йўлида бирлашиб ҳаракат қилиб кўп нарсаларга эришишлари мумкин.

Нотиқ ташқи сиёсий проблемаларга тўхталиб, СССР ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида муттасил ривожланишга эришаётганлиги, улар конструктив тинчлик сиёсатини олиб бораётганлиги ҳозирги замоннинг белгиловчи омилларидан биридир, деди.

Куролланиш пойгасига абадий барҳам бериш ёвраи, деди сўнгра Э. Хонеккер. Куролланишни чеклаш ва қуролсизланиш хусусида битимга эришиш мураккаб ва қарама-қаршиликлардан иборат жараёндир. Ҳозиргача имзоланган ҳужжатлар, айниқса ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома, ядро урушининг олдини олиш тўғрисида Совет — Америка битими ва бошқалар уруш хавфини камайтирувчи дастлабки муҳим ютуқлардир. Бизнинг фикримизча, бу йўлда ишларни давом эттириш зарур бўлишгина қолмай, шу билан бирга мумкин бўлган ишдир, деб таъкидлади ГБСП Марказий Комитетининг Биринчи секретари.

Шундан кейин БМТ Бош секретари К. Вальдхаймнинг конгресс номига йўллаган табрикномаси ўқиб эшиттирилди.

Совет делегациясининг бошлиғи Совет хотин-қизлар комитетининг раиси, СССРнинг космонавт учувчиси В. В. Николаева-Терешкова КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Берлиндаги жаҳон конгресси иштирокчиларига табрикномасини ўқиб берди. Бутун жаҳондаги хотин-қизларнинг намояндалари ўрток Л. И. Брежнев табрикномасидаги илиқ сўзларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ҳиндистон Бош министри Индира Гандидан, Куба Республикаси Министрлар Совети ижроия комитетининг Раиси, Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Фидель Кастродан ва бошқа таниклі давлат арбобларидан олинган табрикномалар ўқиб берилди.

Жаҳон конгрессининг президенти Ф. Браун ҳисобот доклади килди. У ҳозирги анжуман халқаро кескинлик юмшаётган бир вазиятда ўтаётганлигини айтди. Бу эса хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун ҳаракатда, уларнинг ўз мамлакатларидаги сиёсий иқтисодий ва маданий ҳаётда актив қатнашиши учун, ер юзида тинчлик учун курашда муваффақиятларга эришишга кўмаклашмоқда, деди.

М. РОЖДЕСТВЕНСКАЯ,
А. ГРИГОРЬЕВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

«Средазнефтегазстрой» трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб, пудрат ишлари беш йиллик планини муддатидан уч ой аввал бажардилар.

Беш йиллик бошидан буён Ўзбекистон территориясида ва ундан ташқарида 3360 километрдан кўпроқ магистрал қувурлар ётқизилиб, фойдаланишга топширилди.

Қурувчилар йил охиригача топширишга қўшимча равишда 23 миллион сўмлик кўпроқ иш бажариш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАРИ

Андижонда «Саноат контроли ва бошқариш системаларида газ хроматографларини қўллаш»га бағишланган Бутуниттифоқ семинари ўз ишини тамомлади. Семинарда Москва, Ленинград, Киев, Боку, Куйбишев, Уфа, Тошкент ва мамлакатдаги бошқа шаҳарларнинг илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, саноат корхоналарида газ хроматографияси соҳасида ишловчи мутахассислар ва илмий ходимлар иштирок этдилар.

Семинарда газ хроматографияси назарияси ва практикасининг ҳозирги аҳволи ҳамда уни саноат контроли ва бошқариш системаларида қўлланишга оид докладлар ва ахборотлар тингланди.

Семинар иштирокчиларни хроматография асбобсозлиги соҳасидаги назарий ва амалий ишларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш йўлларини белгиладилар. (ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ШВЕЦИЯДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КУНЛАРИ

СТОКГОЛЬМ, 20 октябрь. (ТАСС). Швецияда Совет Иттифоқи кунлари давом этмоқда. Кеча Мальме шаҳридаги кутубхонада СССРнинг Швециядаги элчиси М. Д. Яковлев фотовиставка ҳамда китоблар кўргазмасини очди.

Фотовиставка Ўзбекистон тарихи тўғрисида, совет республикасининг ҳозирги кунлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Китоблар кўргазмасида география ва санъат тарихига доир чиройли безатилган асарлар, шунингдек диапозитивлар тўплами томошабинларнинг диққатини ўзига жалб этади.

Шаҳар кутубхонасининг асосий биносида ва унинг Мальмедаги кўпгина филиалларида Ўзбекистонлик болалар чизган суратлар ва қадимий кулолчилик буюмлари намойиш қилинмоқда.

Элчи М. Д. Яковлев виставкани очаётиб, Швецияда Совет Иттифоқи республикаларидан бирининг коммунистик қурилишда эришган муваффақиятларини намойиш килиш яхши традиция бўлиб колди, деди. У шунингдек Швеция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқаларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ўқтириб ўтди.

ЭЛ-ТАХО УСТИДА БАЙРОҚЛАР

РИНО, (Невада штати), 20 октябрь. (ТАСС махсус мухбири) Совет космонавтлари билан Америка астронавтлари Невада штатидаги ҳушманзара Тахо кўлида ўтказган икки кун сезилмай ўтиб кетди. «Союз» ва «Аполлон» экипажлари аъзоларининг АҚШ бўйлаб сафари программасининг раҳбари, НАСА директорининг матбуот ва алоқа бўйича ўринбосари Ж. Доннелли: дам олиш тугади, яна «ишга» ўтиш вақти келди, деб «команда берди».

«Союз» ва «Аполлон» экипажларининг аъзолари Лос-Анжелоса (Калифорния штати) бора туриб, Рино шаҳрида қисқа бир фурсат тўхтадилар. Улар бу шаҳардаги икки ўрта мактабда ғапирдилар. Еш американликлар А. Леонов ва В. Кубасовнинг инглиз тилидаги нутқларини айниқса мароқ билан тингладилар. Космонавтлар ва астронавтлар дастхат ёзилган коллектив фотосуратларини ўқувчиларга эсдалик қилиб қолдирдилар.

Группа составидаги НАСАнинг матбуот ва алоқа бўлими вакиллари американликлардан кўпдан-кўп хатлар келиб турганлигини, улар СССР билан АҚШ ўртасида космосда муваффақиятли бошланган ҳамкорликни қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Уларнинг айтишича, американликларнинг кўпчилиги космосдаги туташиш кетидан бошқа соҳаларда ҳам худди шундай муваффақиятли «туташувлар», бўлмоги керак, кескинликнинг юмшаши Совет — Америка космонавтларининг ўзаро ишончини ортиқ, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Абдулла Бобожонов бошлиқ бригадаси аъзолари 157 гектар майдондан шу кунгача 700 тонна дурдона теріб давлатга топширдилар, улар яна 200 тонна дурдона теріб бериш ҳақида оширилган мажбурият олдидлар. «Коммунизм» колхозининг Файзинисо Тўрабоева бошлиқ бригадаси 42 центнердан пахта топширди, теримни қизғин давом эттириб, 50 центнерлик чўққига чиқиш учун курашяпти.

Районимиздаги барча пахтакор хўжаликларда терим суръати кучайтирилянти, бу муҳим ишда район марказининг аҳолиси, ҳурматли қариялар, ҳатто кўп болали аёллар ҳам фаол иштирок этянти.

Шуни ҳам айтиш керакки, хўжаликлар давлатга барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича топшириқларини ҳам шараф билан адо этдилар.

Бор ҳосилни сира нобуд қилмасдан тезкорлик билан теріб оламиз, социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарамиз, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратамиз, чорва қишловини намунали ўтказамиз.

ҲИНДИСТОН ЙЎЛДОШИ ОРБИТАДА

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи территориясидан учирилган биринчи Ер сунъий йўлдоши «Ариабата» Ер атрофи орбитасида айланаётганлигига ярим йил бўлди. Йўлдошнинг ҳамма системалари нормал ишлаб турибди, у 6 ой мобайнида Ер атрофидан 2740 марта айланди ва олимларга ҳамон қимматли илмий маълумотлар бериб турибди. Ер сунъий йўлдошлари яратиш лойиҳасининг директори, профессор У. Р. Рао журналистлар билан суҳбатда шу гапларни маълум қилди. У айтдики, бизда космик фазони тадқиқ этиш программасини амалга оширишдаги муваффақиятлардан фахрланишга ҳамма асослар бор. Биз йўлдошга ўрнатилган аппарат 6 ойгина нормал ишлаб турса керак деб мўлжаллагандик. Яқинда яна бир бор қаноат ҳосил қилдикки, у ҳамон сифатли ишлаб турибди, бинобарин, йўлдош билан бундан буён ҳам алоқа боғлаб, маълумотлар олиб турамиз.

У. Р. Рао йўлдош системалари Ердан берилган 500 дан ортиқ команданн «қулоқ осиб» бажарганлигини маълум қилди Олимлар бир қанча қизиқ-қизиқ экспериментлар ҳам ўтказдилар. Жумладан, йўлдош орқали Ердаги турли пунктлар ўртасида алоқа боғладилар. Бу эксперимент Ернинг ҳамма чеккалари билан пухта алоқа таъминлаш имкониятларини ўрганишда муҳим эди Тхумбедаги (Керала штати) космик тадқиқотлар марказининг мутахассислари ҳозир шу масала устида ишлаяптилар. 1980 йилда Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган учирувчи ракета воситасида вазни 800 килограммга борадиган янги йўлдошни космосга чиқариш мўлжалланиляпти.

У Р. Рао Ҳиндистоннинг биринчи йўлдошини ясаш ва учиришда берган ёрдамлари учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдирди. «Ариабата» мамлакатларимизнинг космосдаги муваффақиятли ҳамкорлиги рамзидир, деди у.

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

◆ БЕЛГРАД. С. М. Киров номли Ленинград давлат академик опера ва балет театри балет труппасининг Югославияга қилган гастроллари муваффақиятли ўтди. Ленинградлик артистлар халқаро музикали фестиваль «Бемус-75»и фестивалида иштирок килдилар.

Югославиялик томошабинларга «Ленинград симфонияси», «Шопениана», «Оққуш кўли» балетлари, шунингдек «Гаянэ», «Дон Кихот», «Раймонда», «Шчелкунчик» балетларидан парчалар кўрсатилди.

«Вечерние» газетаси гастроллар ҳақида «Ленинград балетининг мукаммаллиги ва гўзаллиги югославиялик тамошабинларнинг гулдирос қарсакларига ҳақконий равишда сазовор бўлди» деб ёзди.

◆ ПАРИЖ. Франция жамоатчилиги Совет Иттифоқидан Францияга биринчи марта келган ижодий коллектив — «Сувенир» ёшлар эстрада раҳс ансамбли билан танишмоқда. Бу коллектив Париж ва ундан ташқарида 3360 километрдан кўпроқ магистрал қувурлар ётқизилиб, фойдаланишга топширилди.

Қурувчилар йил охиригача топширишга қўшимча равишда 23 миллион сўмлик кўпроқ иш бажариш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

◆ БЕЛГРАД. С. М. Киров номли Ленинград давлат академик опера ва балет театри балет труппасининг Югославияга қилган гастроллари муваффақиятли ўтди. Ленинградлик артистлар халқаро музикали фестиваль «Бемус-75» фестивалида иштирок килдилар.

Югославиялик томошабинларга «Ленинград симфонияси», «Шопениана», «Оққуш кўли» балетлари, шунингдек «Гаянэ», «Дон Кихот», «Раймонда», «Шчелкунчик» балетларидан парчалар кўрсатилди.

«Вечерние» газетаси гастроллар ҳақида «Ленинград балетининг мукаммаллиги ва гўзаллиги югославиялик тамошабинларнинг гулдирос қарсакларига ҳақконий равишда сазовор бўлди» деб ёзди.

◆ ПАРИЖ. Франция жамоатчилиги Совет Иттифоқидан Францияга биринчи марта келган ижодий коллектив — «Сувенир» ёшлар эстрада раҳс ансамбли билан танишмоқда. Бу коллектив Париж чеккасидаги бир қанча саноат марказларида ўз маҳоратини муваффақиятли намойиш килди.

«Монде» газетасининг тақризчиси артистларнинг жозибали, завкли ижрочилик маҳоратини таъкидлаб ансамбль «шундай ижодий ғайратга эгаки, бунга кўпларнинг ҳаваси келиши мумкин» деб ёзди.

«Сувенир» ансамблининг гастроллари Франциянинг турли шаҳарларида 2 ноябргача давом этади.

◆ СТОКГОЛЬМ. Швецияда Совет Иттифоқи маданияти кунлари ўтмоқда. Мальма шаҳрида ўзбек халқининг тарихига, турмушига ва маданиятига бағишланган виставка очилди. Ўзбек халқи СССР халқлари кўп миллатли оиласининг вакили сифатида бу йилги виставкада қатнашмоқда.

Виставка томошабинлари Ўзбекистоннинг ўзига хос санъати — графика, керамика, мисгарлик, тўқимачилик буюмлари билан қизикиб танишмоқдалар.

Республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Германия Демократик Республикасининг ишлаб чиқаришни бошқаришда қўлланиладиган автоматлаштириш ускуналари намойиш этилмоқда. Суратларда: ГДР кўргазмаси залларида.

И. Глауберзон фотолари.



ЯНГИЛИКЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АГИТБРИГАДА ДАЛАДА

Жиззах область маданият уйи қошидаги халқ ижодий уйи пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида махсус агитбригада ташкил этди. Агитбригада составида билим жамияти аъзолари, бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари, кўчма кутубхона бор. Агитбригада Пахтакор районидаги «Пахтакор», Октябрь районидаги Охунбобоев номли ва Собир Раҳимов номли совхоз далаларида бўлишди.

БИР МИЛЛИОН ЙУЛОВЧИ

Чуст автобазасининг автобуслари беш йиллик бошидан буён бир миллион пассажир ташиди. Чустдан автобуслар Фарғона водийсидаги барча шаҳарларга, Наманган областининг районларига ва республиканинг кўпгина пунктларига қатнайди. Яқинда бу ердан Марғилонга ҳам автобус юра бошлади. Беш йилдан ҳам кам вақт ичида Наманган областида 40 та янги автобус маршрути очилган бўлиб, бу йўлларнинг умумий узунлиги 2200 километрдан кўпроқдир.

ҲАВАСКОРЛАР УЧУН

Нукус шаҳрининг жанубий чеккасида «Жигули» автомашиналарига техника хизматини кўрсатадиган станция қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу станцияда ҳар йили икки мингта автомобиль ремонт қилинади. Нукусда автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциясининг лойиҳаси «Узгипродор» институтида ишлаб чиқилган. Станция фойдаланишга топширилганидан кейин автоном республиканинг район марказларида унинг филиалларини очиш мўлжалланмоқда.

СЪЕЗД ШАРАФИГА

Қўқон локомотив депосининг коллективи беш йилликнинг якунловчи йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятининг асосий моддаларидан бирини муддатидан олдин бажарди. Оғир юкли поездларда нормадан ташқари беш миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташиб берилди. Қўқон темир йўлчилари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб, ана шу кўрсаткични декабрь ойининг охиригача яна бир миллион 200 минг тоннага кўпайтиришга қарор қилдилар.

ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Кўнғирот микрорайонини янги меҳмонхонанинг чиройли биноси безаб турибди. Меҳмонхона 260 ўринга мўлжалланган. Сўнгги йилларда бу микрорайонда болалар боғчаси, поликлиника, савдо маркази, кинотеатр, кутубхона қад кўтарди, ҳозир касалхона қурилмоқда.

МАШИНАСОЗЛАР — БАМГА

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг Юқори Чирчиқ тажриба заводи Байкал-Амур магистрали қурувчилари учун ёнилғи билан таъминлайдиган кўчма агрегатлардан биринчи туркумини жўнатди. Агрегат машиналарни ёнилғи билан таъминлаш учун механик қурилмага эга. Агрегатга икки минг литрдан кўпроқ ёнилғи сиғади.

Бу йил қишлоқ машинасозлари ёнилғи билан таъминлайдиган 2200 та кўчма агрегат тайёрлайдилар.

Советлар мамлакатида

БАҲОРИКОР ЕРЛАР ШУДГОР ҚИЛИНАДИ

БАРНАУЛ. Олтой ўлкасининг механизаторлари шудгорлаш планини бажардилар. Улар баҳор фаслига 4,5 миллион гектар ерни тайёрлаб қўйдилар.

Ўлка галлакорлари баҳорикор ерни бу йил куз фаслида шудгор қилиб қўйиш ниятида. Катта майдонлар агдармай ҳайдалмоқда. Бундай шудгорда кузги нам яхши тўпланади, қор туради. Натижада ҳосилга анча ҳосил қўшилади.

ИЛЬИЧ ЧИРОҚЛАРИ

РИГА. Даугавадаги каскаднинг учинчи станцияси бўлган Рига ГЭСининг бешинчи агрегати саноат учун ток берди.

Қурувчилар ва монтажчилар коллективи съезд олди меҳнат вахтасида туриб ГЭСни 7 ноябргача ёни илгари белгиланган муддатдан бир ярим ой баравақт лойиҳадаги қувватига етказиш мажбуриятини олди. Ҳозир охирги турбогенератор монтаж қилинмоқда. Ишлар графикда белгиланганидан илдам олиб борилмоқда.

БИНОКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Гродно уйсозлик комбинатининг коллективи навбатдаги тўққиз қаватли бинони фойдаланишга топшириб, корхона ишлай бошлаганидан буён бир миллион каздрат метр уй-жой қуришни ниҳоясига етказди. Комбинат коллективи беш йиллик топшириғини июнь ойида бажариб қўйган эди. Уйсозлар КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун интилиб, беш йиллик планга қўшимча равишда 125 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширишга сўз бердилар.

ИККИНЧИ ҲОСИЛ ЙИҒИШТИРИЛМОҚДА

ДУШАНБА. Тожикистоннинг Вахш ва Хисор водийларидаги колхоз, совхозлар галла ўриш комбайнларини яна далаларга чиқардилар. Комбайнларда дон учун такрор экилган маккажўхори ҳосили ўриб олинмоқда.

Бу йил Тожикистон хўжаликларида қариб тўрт минг гектар майдонга дон учун такрор экин экилди.

СОҲИБКОРЛАР МАВСУМИ ТУГАДИ

БОКУ. Озарбайжон токзорларида сўнгги узум бошлари узиб олинди. Ўтган йилдагидан икки ҳафта олдин тугаган бу йилги мавсумда республикада бутун узумчилик тарихида мисли кўрилмаган ҳосил олинди.

Келгусида янги ток қаламчалари учун 20 минг гектар ер тайёрлаб қўйилди. Сўнгги уч йил мобайнида ана шундай катта майдонда токзор барпо этилган эди.

(ТАСС).

СТУДЕНТ—ЁШЛАР ИЛМИЙ ИЖОДИДАН

ИЛК ҚАДАМ

Яқинда Актюбинск шаҳрида жойлашган «Ғарбий Қозоғистонэнерго» корхоналарининг электр узатиш линиялари системасига катта бир янгилик киритилди: электр узатиш линияси автоматлаштирилган система аппарати ёрдамида бошқариладиган бўлди. Тошкент алоқа электротехника институтининг студентлар конструкторлик бюроси томонидан яратилган ва амалга оширилган бу янгилик актюбинскликларга энергетикларга маъзур бўлди. Улар қўл меҳнати билан боғлиқ бўлган ишлардан озод бўлишди, диспетчерлар ўртасида алоқа ўрнатиш тезлиги беш баравар ортди. Янгиликнинг жорий этилиши корхонага йилига 150 минг сўм даромад келтириши аниқланди.

Автоматлаштирилган электралоқа, радиоалоқа ва радио эшиттириш факультетларининг А. Салимов, И. Мужиров, З. Бушмуҳамедов, А. Негриенко, М. Хмельницкий, Ф. Вербовицкая каби талантли студент-ёшларининг бажарган бу иши Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг вимпели, Узбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг ёрлиғи, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари билан тақдирланди.

Абу Райҳон Бируний номидаги Тошкент политехника институти ёш ижодкорларининг ҳам илмий ижодига тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу ўқув даргоҳининг биргина самолётсозлик факультети студентларининг фан ва техникага қўшаётган ҳиссалари халқ хўжалигига йилига 100 минг сўмга яқин даромад келтирмоқда. Айниқса, бу ерда студентлар конструкторлик бюроси томонидан Москва авиация институти билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Студентлар коллективининг бундай ижодий изланишлари Иттифоқ бўйича ўтказилган студентлар конструкторлик бюролари кўригида юқори ўринни эгаллади, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг дипломини олишга муяссар бўлди. Шу институт қимё-технология факультетининг бир гуруҳ студентлари томонидан яратилган «Бир қолипда ясаладиган ҳар хил релье расмли йиғма темирбетон уй-жой буюмларининг ишлаб чиқариш усули», «Автоматлаштирилган зичликни аниқловчи асбоб» ва «Маҳаллий хом ашёлардан чинни сервиз тайёрлаш» каби ижодий ишлар СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси қошидаги «Ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги» бўлимида муваффақиятли қатнашиб, олтин, кумуш ва бронза медалларни олишга сазовор бўлди.

Ўқув программаларини тўла ўзлаштириш, илмий ишларда фаол иштирок этиш, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини оширишга интилиш, ихтиёрчиликка мойиллик, мустақил фикр юритиш каби фазилатлар ҳозирги кунги ёшларимиз ҳаётининг характерли белгиси, уларнинг келгусида юксак илмий чўққиларга кўтарилишини таъминловчи муҳим омиллардир.

Биз юқорида фақат икки йирик олий ўқув юрти студентларининг илмий изланишлари ва самаралари ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Республикамизнинг қолган олий ўқув юртларида ҳам таълим жараёни студентларнинг тадқиқотчилигига таянмоқда. Социалистик жамиятимизнинг ҳақиқий эзиёси бўлиб етишаётган мутахассислар ғоят билимдон кишилар бўлмоғи даркор. Бунинг учун Ўзбекистон олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида таълим олаётган 120 минг ёшдан 60 минг нафари фанга биринчи қадамни ўз институтларининг бўсағаларида қўймоқдалар. 9500 киши уларга илмий раҳбарлик қилмоқдалар. Шу мураббийларнинг 50 процентга яқини илмий даража ва унвонларга эга. Халқ хўжалиги учун ғоят заур бўлган диплом лойиҳаларини яратиш ва ёқлаш ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Ўтган йили бажарилган 707 та диплом иши ва лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида кўрсатма берилиши фикримизни тасдиқлайди. Лойиҳа-конструкторлик, иқтисодий таҳлил, таржимонлик каби ўттизта бюрода 1500 студент хўжалик шартномалари асосида изланишлар олиб бормоқдалар. Олий ўқув юртларининг 84 мутахассислик бўйича мутахассис тайёрловчи кафедраларни ўқув планларига студентларнинг илмий-текшириш ишлари ҳам киритилмоқда.

Студентлар илмий-тадқиқот ишлари республика Совети томонидан табиий, техника ва гуманитар фанлар бўйича ўтказилаётган конкурсларда ўтган йили беш юз олти студент иштирок этган бўлса, бу йил 543 студент қатнашди. «Студент ва илмий-техника тараққиёти» деган мавзуда бўлаётган олимпиадаларда ҳар йили 10-11 минг студент иштирок этмоқда.

Бироқ, ишимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аввало, республика олий ўқув юртларида студентларни илмий ишга жалб этишнинг ҳозирги аҳволи замон талабларидан ҳали анча орқада. Агар Тошкент Давлат университетида 88 процент талаба, Самарқанд Давлат университетида эса 74 процент студент бу ишга жалб этилган бўлса, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари ҳамда Самарқанд медицина институтларида бу рақам атиги 27 процентнигина ташкил қилади. 73 процент студентнинг илмий-текшириш ишларига жалб этилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Иккинчи масала — профессор-ўқитувчиларнинг студентлар илмий ишларига раҳбарлик қилиши масаласидир. Эллик фоизга яқин унвон ва илмий даражага эга бўлган ўқитувчиларнинг бу масала билан жиддий шуғулланмасликлари ачинарли ҳолдир. Ахир, ёшларга тажрибали мутахассис ва олимларнинг қимматли маслаҳати, устозлар мадади, бир оғиз ширин сўзи ва билими сув билан ҳаводек зарур-ку! Айниқса, фан оламига биринчи марта дадил қадам қўяётган ёш ниҳолнинг асотидил интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга вақтида кўмак бериш лозим. Эҳтимол, бунинг сабаби студентлар илмий ишларига сидқидиллик билан раҳбарлик қилаётган жонкуяр мураббийларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласи олий ўқув юртларида етарли даражада яхши йўлга қўйилмаганлигидир.

Шу боисдан бўлса керак, студентларни республика ва Бутииттифоқ конкурсларига кенг жалб этиш ҳам баъзи олий ўқув юртларида яхши йўлга қўйилмаган. Республика конкурсларида ўтган йили 17 та олий ўқув юрти иштирок этган бўлса, бу йил 42 та олий ўқув юртидан атиги 32 та олий мактаб иштирок этди. Бунинг устига Бутииттифоқ конкурсига юборилаётган айрим илмларнинг эса сатҳи анча паст. Шунинг учун ҳам ўтган йили республикамизнинг еттита олий ўқув юртидан Иттифоқ кўригига юборилган студентларнинг 57 та илмий ишидан тўққизтасигина ижобий баҳоланди. Фақат икки иш — Тошкент Давлат медицина институтида ассистент К. Тўхтаев бошчилигида бажарилган иш учун студент А. Зуфаров ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида доцент А. И. Корсуна бошчилигида бажарган иши учун студент К. С. Тюрин СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг «Энг яхши студент илмий иши учун» медали билан мукофотланди.

Мавжуд камчиликларнинг олдини олиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Фикримизча, аввало республика Олий ва ўрта махсус таълими, Маориф ва бошқа министрликлар, олий ўқув юртлари партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари студентларга мураббийлик қилиш ишларини янада жонлантиришлари керак. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, студентлар илмий-тадқиқот ишлари бўйича Бутииттифоқ Советининг раиси Г. А. Николаевнинг таъбири билан айтганда, комсомол ҳаракати ва студентларнинг илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш ҳаракати бир-бирига чамбарчас боғланган қудратли ҳаракатдир. Шундай экан, бу масалада республика комсомол органларининг раҳбарлик ролини кучайтириш, ёш ижодкорлар билан ишлашни янада яхшилашга тўғри келади.

Ўйлаймизки олий мактаб профессор-ўқитувчилари республикамизда олий таълимни янада ривожлантириш, социалистик жамиятнинг юксак маданиятли ва билимдон кишиларини тарбиялаб етиштиришга ўз ҳиссасини қўшадилар.

А. ИСМАТОВ,
Узбекистон студентлар илмий-тадқиқот ишлари Советининг раиси, химия фанлари доктори.

СУД ЗАЛИДАН

КИЛМИШИГА ЯРАША

Рустам Абдумажидов 19 ёшда. Билагида кучи, белида қуввати бор навқирон йигит. Ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқа олади. Унинг тенгқурлари ҳозир завод ва фабрикаларда ишлашяпти. Ота-онаси, ўртоқларининг маслаҳатларига қулоқ солмай, ўзбошимча бўлиб кетган Абдумажидов ишга ҳам кирмади, ҳунар ҳам орттирмади. Ичкилик ичиб, безорилик йўлига кириб кетди.

У бир куни ўзи билан тўғишган опаси ва унинг дугонаси Н. Давлетшинани ҳақоратлаб, калтаклади. Бу жиноят учун 15 кун қамалиб чиқди. Шундан кейин ҳам тавбасига таянмади, аксинча кўпроқ ичадиган, уйга келмай санқиб юрадиган бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида бу «полвон» Луначарский марказидаги автобус бекатида Владимир Криваногов деган йигитни савалади. Йўловчилар бу ҳақда милиция ходимига хабар қилишди. Милиционер Рустамни тартибга чақирди. Лекин безори тинчланиш ўрнига милиция ходимининг погонига ёпишди. Орган ходимининг кучли қўли уни маҳкам тутган пайтда милиция машинаси ҳам етиб келди.

Куйбишев район халқ суди ёшликка доғ туширган, ҳеч қаерда ишламай, арақхўрлик, ўғравонлик, безорилик қилган Р. Абдумажидовнинг бу сафарги жинояти учун уни бир йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Р. РАЙИМБЕКОВ,
«Совет Узбекистони» штатсиз мухбири, милиция майори.

СОЛДАТ ЖАСОРАТИ

«17 июль. Кеч соат 5 лар чамаси. Кучли шамол кўтарилди. Чақмоқ чақиб момақалдироқ гумбирлади. Шу пайт шофер Икром Камолов юк ортилган машинани ҳушёрлик билан ҳайдаб келаётган эди. Бирдан у осмонга кўтарилаётган алангани кўриб қолди. Яшин туфайли ўтўланларни аланга қоплай бошлаган экан. Олов похол ғарамлари сари яқинлашарди. Совхоз бойлиги хавф остида эди.

Икром зудлик билан машинани тўхтатиб, кўйлагини ечдида, олов билан якка ўзи олиша бошлади. «Кишилар етиб келишганда, олов аллақачон ўчирилган эди...»

Бу сатрлар Оренбург область Александровск район газетасининг шу райондаги Карл Маркс номли совхоз ишчилари комитетининг раиси А. Зенов имзоси билан 29 июль сонида эълон қилинган «Бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас» сарлавҳали мақоласидан олинди.

Совхоз меҳнаткашларининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган бу жасур йигит ким эди? Бу ботир йигит Н-кисм солдати Икромжон Камолов эди. Унга атаб «Молния»нинг махсус сони чиқарилди.

...Яқинда Андижон область Жалолқудуқ районидаги Бештол қишлоғида яшовчи Мамасодиқ Камоловлар хонадони биз юқорида тилга олган Карл Маркс номли совхоз ишчилар комитетидан хат олди. Унда «Молния»нинг махсус сони ҳамда район газетасининг сони қўшиб юборилган эди.

Икромжоннинг отаси Мамасодиқ Камолов «Коммунизм» колхозида кадрлар бўлимининг бошлиғи. Олий маълумотли иқтисодчи. Ёшларнинг маслаҳатгўйи. Қишлоқдаги тўй ва маросимлар усиз ўтмайди. Оиланинг севимли онажони Каромат опа — колхозчи. Ўз бахтини меҳнатда топганлардан. Болаларига ҳам меҳнат қилишдан қочмасликни ўқтиради ҳар гал. Оиладаги тотувликни кўриб ҳамманинг ҳаваси келади. Фарзандларнинг одоблилигини айтмайсизми. Оиланинг тўнгичи Икромжон ўрта мактабни битиргач, Андижон пахта тозалаш техникумига ўқишга кирди. Охирги курсдан ҳарбий хизматга чақирилган эди. Ҳозир ўз йигитлик бурчини шараф билан адо этяпти.

Ҳабиба АБДУРАЗЗОҚОВА.

Мамлакатимизда транспорт хавфсизлигини сақлаш ойлиги ўтказилаётир. Ойлиқнинг асосий мақсади автомобиль транспортини техникавий жиҳатлари ҳар томонлама текширувдан ўтказишдир. Суратда: Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ходими, милиция старший лейтенанти, давлат инспектори Ҳожимурод Ибодов енгил машинанинг техник жиҳатини кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

СПОРТ

ВЕЛОПОЙГА. Мамлакат чемпионати — «Социалистическая индустрия» газетаси совғаси учун ўтказилаётган кўпкунлик пойга давом этмоқда. Дастлабки икки босқичда ўзига хос тасодифлар ҳам бўлди. Тошкентда 10 километрга бераган биринчи босқичда таниқли ва тажрибали велосипедчилардан А. Пиккуус ҳамда Д. Тришинлар қолиб, омеклик Й. Скосирев голиблик қилди. Тошкент—Ангрен йўлида эса иккинчи босқич голиби бўлиш республикамиз вакили Александр Савкинга насиб қилди. В. Чаплигин ва А. Гусятников синғари моҳир велосипедчилар қолган икки фахрли ўринни эгаллашди. Мусобақа иштирокчилари кеча Ангрен—Қўқон йўлида баҳслашдилар.

ШАХМАТ. Алёхин хотираси учун ўтказилаётган баҳсларда ҳозирча беш имкониятдан уч ярим очко жамғарган Р. Ваганян, Е. Геллер ҳамда уч очколи А. Белявский, Т. Петросян, В. Корчной, Д. Форинтошлар пешқадамлик қилишмоқда. Кеча эса, Пицунда шаҳрида аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги мусобақалари бошланди. Қариб 13 йилдан бери чемпионликни ҳеч кимга бермай келаётган Нона Гаприндашвили билан чемпионликка даъвогар Нана Александрия баҳси 16 партиядан иборат. Нанага чемпионликка мушарраф бўлиш учун 8,5 очко, Нонага эса унвонини сақлаш учун 8 очко тўплаш лозим бўлади. Чемпион баҳсни оқ доналар суриш билан бошлади.

КУРАШ. Тошкентдаги «Ёшлик» спорт манежида бир неча кун давом этган полвонлар беллашуви тугади. Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасқ учун классик кураш бўйича Бутииттифоқ мусобақасида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган юзлаб спортчилар ўзаро куч синашдилар. Мусобақада тошкентликлардан спартанчи З. Исоқов, студентлар С. Шерседдинов, Р. Шиваловский ҳамда москвалик Р. Галямовлар голиблик қилишди.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/X да Абу Райҳон Бируний, 23/X да Оқшомдан тушгача.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/X да Лаҳма, 23/X да Нурхон.

ШАПИТО ЦИРКИДА — МОСКВА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.00).

КИНО

Хато бўлиши мумкин эмас — НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Аломат қиз — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Жала — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Хусумат — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Сўнгги ўқ; Қопқон — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Жиноятчи ва унинг иши — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Узбекистон ССР Геология министрлигининг

ЎРТА ОСИЕ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ ХОМ АШЁЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

(САИГИМС)

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

секция раҳбарлари: рудали районлар ва рудасиз фойдали қазилмаларнинг металлогенияси;

регионал геология ва петрология секторлари катта илмий ходимлари (3 ўрин);

қидириш техникаси, конларни бойитиш ва химиявий технология, геология-қидирув ишлари методикаси бўлимларига катта илмий ходимлар;

бўлим ҳиччи илмий ходимлари: конларни бойитиш ва химиявий технология (2), геология-қидирув ишлари методикаси (4), минерал хом ашёлар экономикаси, илмий-техника информацияси (инглиз тилидан таржима қилувчи), минерал хом ашёни тадқиқ қилишнинг физик-химиявий методлари, фойдали қазилмалар геологияси, (3), петрография ва регионал геология.

Конкурсда доктор, ёки фан кандидати илмий даражасига эга бўлганлар, ҳамда катта ишлаб чиқариш тажрибасига, илмий ишларга ва ташаккурномаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — 10 ноябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Т. Шевченко кўчаси.

ТОШКЕНТ ТАЯНЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

1976 ўқув йили учун агрономия мутахассислиги бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумга ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумоти, колхоз ва совхозларда бригадир, бўлим-участка бошқарувчиси, агроном, раҳбарлик лавозимида ишлаб турган лекин агрономия мутахассислигига эга бўлмаган, ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаётган меҳнат стажи 3 йилдан кам бўлмаган гражданларни ёши чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР: 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 4 ярим йил, ўрта маълумотлилар учун 2 ярим йил.

АРИЗАЛАР — 30 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 НОЯБРДАН 14 ДЕКАБРГАЧА УТКАЗИЛАДИ.

Техникумга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха), медицина справкаси (286-форма), 3 фотосурат (3х4 см.) иш жойидан справка, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан (тасдиқланган) кўчирма.

ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР — Ўзбек тили ёки рус тили (диктант), математика (оғзаки), ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР — Ўзбек тили ва адабиётидан ёки рус тили ва адабиётидан (ёзма), химия (оғзаки) дан кириш имтиҳони топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-128, Парашют кўчаси, 17-уй.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва СССР адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими Ёзувчилар союзи бадиий адабиёт пропаганда бюросининг директори, шоир Акмал Пўлатга опаси

Зулфия ПУЛАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 01797. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 247.